Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 214 (4909).
22 СЕНТЯБРЬ 1982 й, ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Я. Арафатга йўллаган жавоб мактуби эълон қилинган.

⊙ 21 сентябрь куни Кремлда Совет — Ҳиндистон музокаралари тугади. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув самимий, дўстона вазиятда ўтди. Музокаларда Совет—Ҳиндистон икки томонлама муносабатларининг баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

⊙ 21 сентябрь куни Катта Кремль саройида Совет Ҳиндистон Қўшма Декларациясини имзолаш маросими бўлди.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Меҳнат армуғонларимиз — СССРнинг 60 йиллигига

• 18 декабрь—коммунистик шанбалик куни

ҲАЙДОВЧИЛАР АҲДИ

103-автобаза шаҳримиздаги пешқадам автотранспорт корхоналаридан саналади. Коллектив халқ хўжалиги юклари ташиш бўйича ойлик топшириқларни мунтазам ортиғи билан бажаряпти. Автотранспортчилар Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг шу йил 18 декабрда Советлар мамлакатининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича ташаббусини шаҳардаги автотранспорт корхоналари коллективлари орасида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган митингда автокорхона партия ташкилоти секретари Ш. Мирвоҳидов, ҳайдовчилар В. Волков, В. Харьковский, ремонтчи Т. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар сўзлаб, ҳамкасб дўстларини шанбалик куни ишга барвақт чиқишга, юксак унум билан меҳнат қилишга даъват этишди. Митингда коллектив шанбалик куни бажарадиган ишлар ҳам белгилаб олинди. Шу куни ҳамма шанбаликда қатнашади. 5,5 минг тонна юк ташилади, 120 минг тонна-километр юк оборот қилинади.

Шанбалик куни корхонанинг жами машинаси тежалган ёқилғи билан ишлайди, мотор цехига иккита янги станок ўрнатиб ишга тушрилади, иккита двигатель, иккита коробка, орқа кўприк ремонт қилинади. Пландан ташқари бешта машина йўлга чиқарилади.

Коллектив шу куни тушадиган 0,5 минг сўм иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилди.

ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

ТУРЛИ АДРЕСЛАР БЎЙЛАБ

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ўз маҳсулотларини юборяётган йирик савдо ташкилотларининг умумий сони 800 дан ошиб кетди. Бу ташкилотлар Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида жойлашган. Бундан ташқари фабрика маҳсулотлари халқаро ярмаркаларда бир неча бор намойиш этилиб, муносиб баҳоларни олишга сазовор бўлди.

Ҳозирги пайтда фабрика коллективи тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишга катта аҳамият бермоқда. Бу ерда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси йўлга қўйилган. Корхонанинг ўзи мамлакатимизда ва чет элларда тайёрланган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Барча технологик жараёнлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Натижада 20 хил ўйинчоқ давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Тюмень учун маҳсулот

Қўйилиқдаги кўприкбоп темир-бетон конструкциялари заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизнинг кўплаб республика, область, ўлка ва шаҳарларидаги қурилишларда ҳам кенг миқёсда ишлатилмоқда.

БУГУН

ана шу корхонада Тюмень областига жўнатиш учун маҳсулотларнинг катта туркуми тахт қилиб қўйилади. Ана шу туркумнинг кўпчилик қисмини ПДН типидаги давлат Сифат белгиси билан муҳрланган плиталар ташкил этади.

Корхона коллективи айни пайтда турли кўламдаги плиталарнинг олти хилини фахрли бешқиррали белги билан ишлаб чиқармоқда.

Шу кунларда бу ерда СССР 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа қизғин давом этмоқда. Завод ишчилари маҳсулот сифатини янада юксалтириш учун фидокорлик кўрсатишмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

Кўп миллатли совет адабиёти фестивали

РУС АДАБИЁТИ — УЛУҒ УСТОЗ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб Ўзбекистонда кўп миллатли совет адабиёти Бутуниттифоқ фестивали давом этмоқда. Фестивалда Москва, Ленинград, қардош республикалардан келган шоирлар, адиблар, танқидчилар, драматурглар иштирок этмоқдалар. Бу фестиваль бир бутун бўлиб қўшилиб кетган байрам ва иш кунларидир, бу ёзувчига ҳам, китобхонга ҳам янги илҳом, янги куч-ғайрат ёлқини бағишловчи учрашувлардир.

Қорақалпоғистонда совет адабиёти кунлари билан бошланган фестиваль бугун Самарқанд ва Фарғонада давом этди. Бу ерда конференциялар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Уларда совет ёзувчилари билан бирга Болгария, Венгрия, Польша, ГДР, Куба, Монголия, Чехословакия, Иордания, Ливандан келган меҳмонлар, фаластинлик адиблар иштирок этмоқдалар.

САМАРҚАНДДА бошланган «Давра столи» атрофидаги учрашув «Совет шарқи халқлари адабиётларининг ривожида улуғ рус адабиётининг тарихий роли» мавзусига бағишланди. Учрашувни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. Н. Верченко очди.

Ижодий учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, туркман ёзувчиси Ц. Кулиев, ўзбек ёзувчиси К. Яшин, минсклик адабиётшунос Н. Е. Пашкевич, қозоқ адиби А. Олимжонов, фестивалнинг бошқа қатнашчилари қардош адабиётларнинг ривожланиш йўллари ҳақида гапириб, улуғ рус адабиёти аввал бошданоқ мазкур адабиётларни ўз чашмасидан саховат билан қондирган ва қанот ёзишига кўмаклашганлигини таъкидладилар. Ғоят бой анъаналарга асосланган, халқ билан, замонамизнинг прогрессив ғоялари ва кучлари билан, энг илғор ва революцион дунёқараш — марксизм-ленинизм билан чамбарчас боғланган айнан рус совет адабиёти жаҳонда биринчи бўлиб бадиий ижоднинг янги методи — социалистик реализм методини қарор топтириб, мамлакатимиздаги барча қардош халқлар сўз усталари ана шу методни эгаллашлари учун йўл очиб берди.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрқ» китоблари барча совет сўз усталари каби Ўзбекистон ёзувчилари учун ҳам чинакам ҳаёт дарслиги, замондошлар образини қандай яратиш кераклигини ўргатувчи мактабдир, деб уқтириб ўтилди конференцияда.

Анжуман қатнашчилари Самарқанд область партия комитетида қабул қилиндилар. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев адиблар ҳузурида нутқ сўзлади.

«Кўп миллатли совет адабиётининг замондошимиз маънавий дунёсидаги роли» деган мавзуга бағишланиб, ФАРҒОНАДА ўтказилаётган илмий-ижодий конференцияга адабиётшунослар, философлар, социологлар, тарихчилар тўпландилар. Конференция қатнашчилари ҳозирги замон адабиётининг аҳволи, адабий ижоднинг жамиятимиз социал ривожига таъсири масалаларини кўриб чиқмоқдалар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров конференция қатнашчиларини табриклади.

Учрашувда сўзга чиққан СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. И. Суровцев, москвалик социолог М. С. Жунусов, эстониялик филолог Н. Бассель, «Литературное обозрение» журналининг редактори Л. И. Лавлинский, ўзбек ёзувчиси А. Мухтор совет адабиёти замиридаги ленинча партиявийлик принципи, чуқур инсонпарварлик, чинакам халқчиллик, марксчаленинча социал адолат ғоялари адабиётни инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялашда жуда катта таъсирчан кучга айлантирмоқда, дедилар. Коммунистик партиянинг астойдил ғамхўрлиги ва доимий диққат-эътиборидан илҳомланган кўп миллатли совет адабиёти совет кишисининг улуғворлигини, давримиз улуғворлигини, кураш ва ғалаба бахтини тараннум этмоқда.

Шаклан миллий ва мазмунан социалистик ягона совет адабиёти кишиларимизга барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва тенглик ғояларини, пролетар интернационализми ғояларини бахш этмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон ёзувчиларининг китоблари мамлакатимизда ва чет элларда зўр диққат-эътиборга сазовор бўлаётганлиги тўғрисида ёрқин мисоллар келтирилди.

Мамлакат республикалари ёзувчилар ташкилотларининг ўзига хос хусусияти уларнинг кўпмиллатлигидир. Мазкур ташкилотлар ягона ижодий куч бўлиб, ягона аҳил оилада яшаб, бир-биридан ўрганмоқда, бир-бирига кўмаклашмоқда.

Фарғона ва Самарқанддаги ижодий конференциялар давом этмоқда. Фестиваль программасига кўра мазкур областлар китобхонлари билан учрашувлар, адабий кечалар ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛГИ ОЛДИДАГИ

ҲАММА МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛГАНМИ?

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига ва лашга ўз вақтида ва сифатли тайёргарликни сиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. шаҳар Совети ижроия комитети раёсининг Г. М. Саркисов олиб борди.

куз-қиш мавсумида ишназорат қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси Тошкент биринчи ўринбосари

Сергели районида қишга тайёргарлик тезкорлик билан олиб борилмоқда. 4 минг квадрат метрдан ошиқ турар жой майдони, 8,843 квадрат метр том капитал ремонт қилинди, 958 турар жой биносида иситиш системаси профилактик кўриклан чиқарилди. Шунга қарамай, 5-Қўйлиқ массивининг (78-ЖЭК) 17-корпусидаги 57, 67-уйларнинг ертўласи ночор аҳволда, йўлак эшиклари тузатилмаган, кўп ойналар синган. Бундай аҳволни 3-Сергели массивидаги 33, 23, 26, 13-уйларда ҳам кўриш мумкин. 24, 12, 30-26-уйларнинг томлари ҳалигача ремонт қилинмаган. 72-ЖЭКка қарашли турар жой биноларида иссиқлик тармоқларини ювиш ишлари суст олиб борилмоқда.

Иссиқлик энергияси ресурсларидан оқилларча фойдаланиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Аммо Сергели районидаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари бунга муҳим иш сифатида қарамаяпти. Масалан, граждан авиацияси қарашли 243-заводда компрессор ускуналари реконструкцияси ҳанузгача тугатилмаган. Бу ерда баъзи печлар тўла қувват билан ишламайди, майда деталларни қуритиш учун мўлжалланган кам қувватли электр печи ҳамон ўрнатилган эмас. Металл конструкция, махсус монтаж буюмлари, «Спецмебель» заводлари ҳамда «Ўзбепроектмебель» ишлаб чиқариш бирлашмасида электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланилмоқда. Газ ва иссиқликдан фойдаланиш жиҳозларининг етишмаслиги туфайли 6 миллион куб метрдан ортиқ газ ортиқча сарфланган. «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, саноат корхоналари комбинати, темир-бетон конструкциялар ва ремонт механика заводлари ҳамда 3-автокомбинатнинг бунда «ҳиссаси» катта Совук кунларда бу номи юқорида қайд этилган корхоналар ишига жиддий халақит бериши мумкин.

Шаҳар комиссияси аъзолари Хадра майдонида ер ости ўтиш йўли, шунингдек Улуғбек кўчасидаги Оқтепа канали, Гурзовой кўчасидаги Салор канали, Хуршид кўчасидаги Бўзсув канали устида кўприк қурилиши қандай олиб борилаётганлиги ҳақидаги ахборотни тингладилар.

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 3

◆ 20 СЕНТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАЗОРЛАРИДА 2613 «ЗАНГОРИ КЕМА» ИШЛАДИ. УЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ЕРДАМИДА 3,3 ТОННАДАН ПАХТА ТЕРИЛДИ.

◆ ҒАЛАБА РАЙОНИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЭРИШДИЛАР. БУ РАЙОНДА 434 МАШИНАНИНГ ҲАР БИРИ БУНКЕРИДАН ЎРТАЧА 4,8 ТОННАДАН «ОҚ ОЛТИН»»Ни ТЎКИЛДИ.

◆ БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗДАН СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ АБДУБАШИР УСМОНОВ, БЎКА РАЙОНИДАГИ ФРУНЗЕ НОМЛИ КОЛХОЗДАН ҚУНДУЗ АШУРОВА, ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗДАН РЎЗИБОЙ БОТИРОВ БОШЛИҚ БРИГАДАЛАРДА ЙИЛЛИК ПЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ УДДАЛАНДИ.



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,32	40,76
Хоразм	2,88	39,92
Сурхондарё	2,18	29,34
ҚҚАССР	2,69	28,47
Навоий	1,95	26,97
Тошкент	3,30	26,17
Наманган	1,84	24,22
Андижон	0,87	23,40
Фарғона	0,95	23,33
Қашқадарё	1,42	21,58
Самарқанд	2,03	20,00
Жиззах	1,83	8,80
Сирдарё	1,35	7,50
Республика бўйича:	1,90	24,68
Шу жумладан ингичка толали пахта:		
Наманган	5,06	33,72
Навоий	5,00	32,35
Сурхондарё	2,42	26,73
Бухоро	1,84	18,40
Қашқадарё	0,81	11,87
Республика бўйича:	2,03	22,04

◆ Республикамиз заршунослари юбилей йили ҳирмоиига 1,5 миллион тонна «оқ олтин» топширдилар. Ана шунинг 85.941 тоннаси ингичка толали пахтадир. 20 сентябрда кунлик ўсиш 111.822 тоннани ташкил этди. Ана шу ҳосилнинг ярмидан кўпроғи—57.611 тоннаси машиналар ёрдамида терилиб олинди. Бир кунда 7.899 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

◆ Ёнингарчиликлар юзага келтирган қийинчиликларга қарамай, Тошкент области механизаторлари терим суръатини оширмоқдалар. Область бўйича бир кунда тайёрланган 14.190 тонна хом ашёнинг 12.541 тоннаси бункерлардан бўшатилди.

◆ Жиззах областида ҳам тайёрланаётган пахтанинг асосий қисми машиналар ҳиссасига тўғри келяпти. Бу ерда бир кунда терилиб олинган 6.536 тонна пахтанинг 5.400 тоннаси бункерлардан бўшатилди. Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда машина терими тобора авж олдирилаётир.

Ўзбекистоннинг барча ўн бир областига ҳамда иттифоқдош пахтакор республикаларга жўнатилиши кўзда тутилган. Долзарб палладa бирлашма коллективи фақатгина машиналар тайёрлаб бериш билан чекланмасдан, балки хўжаликлар техника ремонтига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Бирлашманинг юқори малакали мутахассисларидан тузилган ишчилар бригадаси махсус жиҳозланган кўчма устахона билан Жиззах областининг Зарбдор районидаги 3-совхозга жўнаб кетиши бунга мисол бўла олади. Улар ихтиёрига зарур эҳтиёт қисмлар ҳам бериб қўйилган. Район механизаторларига ўз вақтида ёрдам кўрсатиш — барча кўрак чувиш машиналарини мавсумга шай қилиб қўйиш имконини беради.

В. ДРАЧЕВ.

Долзарб палла

Республикада пахта йиғим-терими тобора қизғин тус олмоқда. Албатта, бундай пайтда ишнинг асосий оғирлиги терим машиналари зиммасига тушади. Бироқ, ҳадемай УПХ-1, 5В маркали кўрак чувийдиган машиналарга ҳам навбат келади. Бу машиналар «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Биргина ўтган саккиз ой давомида турли адресларга 2000 дан зиёд пахта тозалаш агрегатлари жўнатилди. Бу деҳқонлар учун йиғим-терим якунида қўл келадиган катта ёрдам ҳисобланади. Нега деганда, УПХ-1,5В машинасининг иш самарадорлиги бир соатда бир ярим тонна кўракни чувишдан иборат. Кўриниб турибдики, фақатгина шу йил ҳисобида тайёрланган техника амалга оширадиган ишни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Бирлашмада кўрак чувиш машиналари ишлаб чиқариш суръати эр кун сайин жадаллашмоқда. Машинасозлар техника — давлатга «оқ олтин» топшириш бўйича олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда пахтакорларнинг асосий мададкори эканлигини яхши билишади. Сентябрнинг дастлабки кунлариданоқ ана шу агрегатларни йиғиш ишлари бажариладиган 5-механика-йиғув цехи конвейерида иш қизғин давом этмоқда. Шерик цехларда ҳам «оқ олтин мавсуми» масъулиятини яхши ҳис қилишмоқда. Машинасозлар Озиқовқат программасини бажаришда ўзларининг ҳам бевосита ҳиссалари борлигини ҳақли равишда тан олишади. Пахта фақатгина техник хом ашё эмас-ку, ахир. Бу— биз магазинлардан харид қиладиган ўсимлик мойи ҳамдир. Мазкур мой пахтанинг чигитидан олинади. Бу чорва моллари учун озуқабоп ем ҳамдир.

Машинасозлар сентябрь ойи вахтасини зардборчасига олиб боришмоқда. Металл қирқувчи В. Лоскутов, токарь Ю. Моор, электр пайвандчиси М. Хабиров, слесарь-йиғувчи Ш. Ражабов ва бошқалар смена топшириқларини мунтазам 20—30 процентга ошириб бажаришмоқда.

Конвейерда машиналар «зангори карвон» бўлиб тизилиб туришибди. Шу ой давомида тайёрланган пахта тозалаш машиналари

МЕХАНИЗАТОР СТУДЕНТЛАР

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бўлғуси мутахассислари ўзларини чиндан ҳам пахтакорларнинг яқин мададкори деб биладилар. Улар шу мақсадда ҳамиша «оқ олтин» усталарига ёрдам беришга ошиқадилар.

Институт студентларидан иборат бўлган махсус механизаторлар отряди Ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалигига жўнаб кетишди.

70 нафар студент бу ерда «оқ олтин» дурдонасини машиналарда йиғиб-териб олишга ва қишлоқ хўжалик техника воситаларини ремонт қилиб беришга бел боғлаганлар. Механизатор-студентлар отрядига бухгалтерия факультети студенти Ғ. Алиқулов раҳбарлик қилмоқда.

Ҳ. ХУШМАТОВ.

АГИТАЦИЯ АВТОБУСИ ИШ БОШЛАДИ

БУГУН

Тошкент область касаба союзлари Совети ва область союзлараро бадиий ҳаваскорлик ижоднёти уйи пойтахт областининг пахтакорларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида махсус агитация автобусини ташкил этдилар.

Бу автобусда пойафзалчилар маданият саройининг бадиий ҳаваскорлари, тузилган концерт группаси, лекторлар, шифокорлар, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари бор. Автобус пойтахт областининг бир неча районларида дала шийпонларига бориб пахтакорларга маданий хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳридаги кабелсозлар, тикувчилар, тракторсозлар, матбаачилар маданият саройларининг ҳаваскорлари ҳам навбати билан агитация автобусида хизмат кўрсатишга чиқадилар.

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

МАВСУМБОП ПОЙАФЗАЛ

БУГУН

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг ассортименти ранг-барангдир. Корхонанинг 24 хил маҳсулоти фахрли бешқиррали белги билан чиқарилмоқда.

корхонада кузги-қишки мавсумга мўлжалланган, олий аттестация сифатини олишга муяссар бўлган беш хил моделдаги пойафзал ишлаб чиқарила бошланди. Улар хотин-қизлар туфлиси, эркаклар полуботинкаси бўлиб, таглиги полиуретанлидир.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVIII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1982 йил 23 сентябрь соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 да рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

телетайп лентасидан

◆ **ХЕЛЬСИНКИ.** Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва туристик алоқалар мутасил ривожланмоқда.

Финляндия давлат темир йўллари раҳбарлигининг вакили Пану Хаапола ТАСС мухбири билан суҳбатда маълум қилганидек, шу йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида Совет-Финляндия чегарасини 111 минг— 1981 йилнинг шу давридагига қараганда 11,5 процент кўп пассажир несиб ўтди.

Ўтган йили, деб уқтириб ўтди П. Хаапола, икки мамлакат ўртасида темир йўл орқали юк ташиш ҳажми 9,4 миллион тонна ошди, бу эса Финляндия давлат темир йўлларида юк ташиш умумий ҳажмининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йилги юк ташиш ҳажми яна 10,4 процент кўпайди.

П. Хаапола темир йўл транспорти соҳасида ўтгиз йилдан кўпроқ вақтдан буён барқарор давом этиб келаётган Совет-Финляндия ҳамкорлиги иккала мамлакат ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда, деб таъкидлади.

◆ **РАНГУН.** Бирма қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги министрлиги ўтказаётган умуммиллий кампания айни бир жойда нуқул бир хил экинни экавериш ни бартараф этишга ва қишлоқ хўжалигини янгилашга қаратилгандир. Мамлакатнинг ҳамма районларида деҳқонлар ўртасида замонавий агротехника билимларини тарқатиш курслари очилган. Бу курслар деҳқонларнинг диққат-эътиборини экинларни етиштиришни, диверсификациялашга ва бир йилда икки марта ҳосил олиш тартибини кенгайтиришга қаратмоқда. Министрлик озиқ-овқат ва техника экинларининг 20 турини белгилаб қўйди. Шу экинлар бутун-бутун районлар ва миқёсида етиштирилади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши Бирмага ташқи бозорга ўзининг анъанавий экспорт маҳсулоти —шолинигина эмас, шу билан бирга дуккакли экинларни, маккажўхорини, ер ёнғоқни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам чиқариш имконини беради.

◆ **АККРА.** Гана ҳукумати мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулоти— какао етиштиришни кўпайтириш программасини ишлаб чиқди.

Мувақкат миллий мудофаа кенгашининг раиси Ж. Ролингс Вольта областида янги ҳосил терими кампанияси арафасида гапириб, фермерларни улар олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун ҳамма кучғайратни сарфлашга даъват этди.

Ҳукумат программаси деҳқонларнинг какао етиштиришдан моддий манфаатдорликлари оширишини кўзда тутади. Тайёр маҳсулотнинг харид нархлари оширилди. Давлат хўжаликларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаб, уларга қарз ва ссудалар бермоқда.

◆ **АНТАНАНАРИВУ.** Мадагаскарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш кампанияси кенг қулоч ёймоқда.

Қишлоқ хўжалиги экиҳатидан илгор вилоятлардан бири Туамасинда шу кунларда бўлиб ўтган кенгаш харид қилиш кампанияси яхшилаш йўлларини белгилади. Биринчи навбатда ремонт қилиниши керак бўлган йўллар аниқланди, банк кредитларини ўз вақтида олиш ва транспорт тайёрлаш борасида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Асосий эътибор кофе ҳосилига берилмоқда. Бу маҳсулотнинг давлат харид нархлари яна оширилди. Бу йил вилоят қарийб 20 минг тонна кофе йиғиштириб олади. Бу эса ўтган икки йил мобайнида йиғиштирилган ҳосилга деярли тенгдир. (ТАСС).

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

СССР 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз

ҲАМЗА ВА ҚУЙБИШЕВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Узаро мусобақадош Ҳамза ва Куйбишев районлари саноат корхоналари коллективлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича саккиз ойлик давлат планини муваффақиятли адо этдилар. Ҳамза районн индустрияси маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича топшириқни 5,6 процент ортиғи билан адо этиб, истеъмолчиларга планга қўшимча 12.7[illegible] минг сўмлик, Куйбишев районн индустрияси эса 1,6 процент ортиғи билан адо этиб, планга қўшимча 6.163 минг сўмлик маҳсулот реализация килди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича план 102,1 ва 101,5 процент адо этилди. Бунда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати районларда 6 процентдан ўсди.

Меҳнат унумдорлиги бўйича планни Ҳамза районн саноати 102,2 процент бажарди; меҳнат унумдорлиги суръати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 процент ўсди. Бу кўрсаткичлар Куйбишев районида 100,6 ва 102,3 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда Ҳамза районида 37028 минг сўмликка, Куйбишев районида 23.519 минг сўмликка ўсди. Бунда Ҳамза районн индустрияси ходимлари бу ўсишнинг 83,3 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришдилар. Куйбишев районида бу кўрсаткич 40 процентни ташкил этди.

Районларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, реконструкциялаш, янги техниканн жорий этиш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини 8—10 ва ундан ҳам кўпроқ процент ўсишига эришган корхоналар талайгина. Булар орасида «Ташэлектромаш» заводи, 2-ўйсозлик комбинати, электромонтаж буюмлари, вентиляция буюмлари заводлари (Ҳамза районн), «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Эталон» заводи, лак-бўёқ заводи, «Фан» нашриёти (Куйбишев районн) каби корхоналар бор.

Куйбишев районида фабрика-завод маркаси шарафи учун курашга катта аҳамият берилади. Ҳозир бу ерда умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 34,3 процент маҳсулот, Ҳамза районида эса 7,2 процент маҳсулот Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Ҳамза районида маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш суръати бир йилда 108,1 процентга, Куйбишев районида 108,5 процентга ўсди.

Бир қатор корхоналар план интизомини бузиб, буюртмачиларга белгиланган муддатда ва ассортиментда буюмлар етказиб бермадилар. Булар қаторида экспериментал енгил металл конструкциялар, сантехника ускуналари, республика озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-механика заводи, ёғ-мой комбинати, упа-элик фабрикаси (Ҳамза районн), экскаватор «Ташавтоматика», граммпластинкалар, «Узбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводлари (Куйбишев районн) бор.

САККИЗ ОЙЛИК СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ МУДИРИ Ш. ТОЖИЕВ ШАРҲЛАЙДИ:

— СССР 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақада «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмаси коллективи етакчи ўринни эгаллаяпти. Саккиз ой мобайнида бу коллектив планга қўшимча 245 та трактор тайёрлади. Ҳозирги кунда эса социалистик мажбуриятдан анча илгарилаб боряпти. Завод конструкторлари ялпи ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифати ва техник даражасини ошириш устида кунт билан изланишдан ташқари, янги юз от кучли тракторлар яратиш йўлида ҳам меҳнат қилишяпти. Заводда тайёрланаётган принциплар ҳалқаро стандарт талабларига мос, беш қиррали белги билан чиқариляпти. Сифатнинг олий категориясида тайёрланаётган маҳсулот бу ерда умумий маҳсулот ҳажмининг чорак қисмини ташкил этади.

Шу кунларда Советлар мамлакатининг юбилей шарафига цехларда меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси давом этяпти. У янги меҳнат зарбдорларини, ишлаб чиқариш резервларини аниқлайди. М. Туропов, А. Федюшина, Л. Дубинина, Г. Мараров, Л. Недорезов ва бошқалар социалистик мусобақа машъаллари саналишади.

Тракторсозлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмини янги илгор технологияни жорий этиш ҳисобига оширдилар. Жумладан, ҳозир работ ишлаётган участка яхши самара беряпти.

«Средазкабель» бирлашмаси ишчилари ҳам техника тараққиёти йўлидан боришяпти. Бу ерда мис катанкалар ишлаб чиқариш бўйича юксак унумли стан ишга туширилди. Бу халқ хўжалиги учун муҳим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини берди. Корхона саккиз ой мобайнида топшириққа қўшимча 509 минг сўмликдан кўпроқ турли хил кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Лак-бўёқ заводи коллективи ҳам қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этяпти. Бу ерда реконструкция давом этаётганлиги ,ишда маълум қийинчиликлар мавжудлигига қарамасдан, коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини пасайтириш ўрнига, тобора ошириб боряпти. Лак ва бўёқлар ҳамда бошқа буюмлар ишлаб чиқариш бу ерда йил бошидан бери 109 процент ўсди.

Районнинг барча меҳнат коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича саккиз ойлик программани уддаладилар. Бироқ «Ўзбекгазмаш», «Энергостройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмалари, экскаватор, 3-ёғочни қайта ишлаш, «Ўзстройиндустрия»нинг 1-тажриба-экспериментал механика заводлари меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламадилар. Бунинг сабаби битта моддий-техника таъминоти билан шуғулланадиган хизматлар қониқарсиз ишлади. Масалан, экскаватор заводи Қозоғистондан 800 тонна қуйма олмади, натижада завод қуювчилари агрегат заводига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномадаги мажбуриятни бажаришолмади.

2-ёғочни қайта ишлаш заводи ўзига ажратилган фонддаги 50 процент ёғочни олди. Бунинг сабаби оқибатида ҳозир коллектив қийин аҳволда қолди.

Советлар мамлакатининг юбилейи нишонланадиган кун тобора яқинлашиб келяпти. Меҳнат коллективлари томонидан белгиланган планлар ва мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун барча куч ва имкониятларни ишга солиш керак.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Юксак меҳнат мароми

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига фаол қўшилган «Ҳурмат белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинатининг 1-пардозлаш бошқармаси коллективи Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бунёдкорлар ўтаётган ҳар бир ҳафтани зарбдорона якунлашга бел боғлаганлар.. Шу кунларда — байрам олди зарбдор вахтаси меҳнат беллашувида коммунист Муҳамаджон Каримов бошлиқ сайқалчилар бригадаси пешқадамлик қиляпти. Бу коллектив юбилей йили топширигини Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига қадар бажаришга, беш йилликнинг уч йиллик планини эса жонажон шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейига қадар уддалашга азму қарор қилган эди. Аҳдига вафодор қурувчилар зарбдорона ишлашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Шу йилнинг саккиз ойлик плани ҳам бир ярим баробар уддаланди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топширигн эса 122,5 процент бажарилди.

Бошқарманинг свердловликлар методи асосида ишлаётган Григорий Грязнов бошлиқ бригадаси сайқалчилари ҳам Каримов бригадаси ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу бригада йилнинг саккиз ойлик планини 147,6 процент бажаришга муваффақ бўлди. Меҳнат унумдорлигн бирмунча юксалди.

Меҳнат беллашувида бошқарманинг комсомол-ёшлар бригадаси ҳам фаол иштирок этишмоқда. Вячеслав Хлонин бошлиқ пардозчилар бригадаси ҳам бу ташаббусга қўшилиб юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Николай Хронин етакчилигидаги дурадгорлар бригадаси ҳам сайқалчилардан қолишмаяпти.

Бошқарма бригадалари бундай юқори натижаларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаш эвазига эришмоқдалар. Ҳозирда бошқарманинг 12 та бригадаси бригада пудрати асосида иш юритаяпти. Бошқарманинг саккиз ойлик қурилиш-монтаж ишларининг 105,5 процент бажарилганлигида албатта мазкур бригадаларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Ўтган саккиз ой мобайнида бошқарма бунёдкорлари 86760 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой биноларини фойдаланишга топширдилар.

Ҳозирда шаҳримизнинг Оқтепа массиви жадал суръатлар билан бунёд этилаяпти. Бошқарма бунёдкорлари бу ерда кўплаб турар-жой биноларини сифатли пардоздан чиқариб, давлат қабул комиссияларига «яхши» баҳолар билан топширяпти.

Т. НАЖМИЙ.

СУРАТДА: шаҳримизнинг Пушкин кўчасида Москва турар-жой комплексини бунёд этаётган «Главмосстрой» 220- қурилиш бошқармасининг бир группа илғор монтажчи қурувчилари — Ф. Шульгин, С. Котельников ва В. Прозоровскийларни кўриб турибсиз.

Беш йиллик вахтасида

Оширилган мажбурият асосида

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори билан меҳнат қилаётган «Тошкент Советининг 50 йиллиги» номли вагонремонт заводининг коллективи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида пландан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. 140 та трамвай, 86 та троллейбус капитал ва жорий ремонт қилинади, 345 минг сўмлик электр двигатели сифатли созланади. 36 та рационализатор таклифи ҳаётга тадбиқ этилиб, 16,5 минг сўм соф фойда олишади. Аҳил коллектив меҳнат унумдорлигини 2 процентга ошириш билан бирга 30 минг киловатт-соат электр энергиясини тежашга муяссар бўлади.

Изоляция цехининг коллективи ҳам зиммаларига юкланган вазифаларни ўз вақтида бажариб келмоқда. Айниқса, цехнинг илғор ишчиларидан, меҳнат ветерани Сожида Давлатова ёшларга намуна кўрсатиб улкан мараларни эгалламоқда.

Мана 33 йилдирки, С. Давлатова цехда ҳормай-толмай ишлаб келмоқда. У мунтазам планларни ортиғи билан бажариб ҳамкасбларининг олқишига сазовор бўляпти.

С. Давлатова биринчи марта заводга келганида уни Нина Колудова табассум билан кутиб олди ва бу ёш ишчига ўз касбини талабчанлик билан ўргата бошлади. Ойлар ўтиши билан Сожида меҳр қўйган ҳунарини тўла эгаллади ва цехнинг моҳир пешқадамларидан бири бўлди. Ҳозирги кунда Сожида Давлатова ўз касбини кўплаб ёшларга ўргатмоқда. Цехнинг Д. Малькова, Л. Погорелова, Т. Орешина каби илғор ишчилари ҳам Сожида опадан сабоқ олганлар.

Сожида опа меҳнат қилаётган ва Антонина Фомина бошлиқ цех ишчилари ўз ички имкониятларини кўриб чиқиб қўшимча оширилган мажбурият қабул қилганлар. СССР 60 йиллиги нишонланадиган йилда йиллик планни 110-115 процентга бажаришга аҳд қилдилар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ, кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

«Узбексельмаш» пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси.

СУРАТДА: корхонанинг темирчи прессчиларидан коммунистик меҳнат зарбдори Анатолий Прозоровский ва коммунист, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» ҳамда III даражали «Меҳнат Шуҳрати» орденларининг навалери Ғулом Холматовлар тавсирланган. Бу ишчилар ойлик иш нормаларини 140—160 процентга етказиб адо этмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Зирабулоқ пахта тозалаш заводи мамлакат тўқимачилари буюртмаларини бажаришга киришдилар. Янги ҳосилдан тайёрланган олий сифатли толанинг дастлабки турқуми Камишин, Иваново, Новалинова тўқимачилик корхоналарига жўнатилди. Самарқанд «Оқ олтин» Чехословакия ва Польшага жўнатиш учун тайёрланмоқда.

* * *

Поп районидаги колхоз ва совхозларнинг 115 та дала шийпонида терим мавсуми бошланганидан буён турли хил озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи магазинлар очилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу магазинлар теримчилар учун қулай бўлган вақтда ишлайди ҳамда дала яқинида жойлашган. Дала шийпонларининг бўш ҳоналари магазинлар учун ажратилган, стационар қишлоқ магазинларининг сотувчилари ана шу магазинларда ҳам ишлашади.

* * *

Самарқандаги советлар уйи ёнида 18 гектар майдонда янги боғ барпо этилди. Бу эса шаҳарнинг марказий қисмини реконструкция қилиш плани асосида амалга оширилди. У ерда ҳозирнинг ўзидаёқ янги универмагнинг уч каватли корпуси қад кўтарди, тез орада шаҳарлараро телефон станцияси, драма театри, радиоэшиттириш комитети, туристлар маркази биноларн қурилади.

* * *

«Узбек ш а х т о острой» тресті кичик механизация участкасининг слесари, рационализатор А. Затеев Ангрендаги янги нон заводи қурилишидаги пардозлаш ишларини жадаллаштиришга кўмаклашди. У мармар плиткаларни қирқадиган станок конструкциясини ўзи ишлаб чиқиб, ўзи ясади. Бу станок пардозловчиларнинг меҳнат унумдорлигини анча оширади, қимматли материални тежайди.

(ЎзТАГ).

Тошкент тўқимачилик комбинати реконструкцияси бўйича август ойи қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилган бўлса-да, лекин ижобий томонга ҳеч қандай ўзгариш ўолгани йўқ. Қурувчилар ҳамон нил бошида ўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш ўойича ўзларининг социалистик мажбуриятларини уддалаша олмаяптилар. Ишга туширладиган объектлар бўнича қурилиш-монтаж ишлари графиги бажарилмаяпти. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, аниқ иш йўлга қўйилмаган. Қурилишнинг бир маромда одимлашига илгаригидек ишчиларнинг ва қурилиш материалларининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Бош пудратчи ташкилот «Ташпромстрой» бирлашмасининг 2-қурилиш монтаж бошқармаси (бошлиғи А. Ли) иши кўпгина эътирозларга сабаб бўляпти. Бу ташкилот ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг фаолиятини қониқарсиз мувофиқлаштиряпти. Реконструкция объектларида уларга ўз вақтида иш фронтини очиб бераолмаяпти, ишга туширладиган объектларни ўз вақтида ишга туширмалишга етарли эътибор бермаяпти. 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг айби билан насос станцияли резервуарда қурилиши ўўзилиб кетди. Ваҳоланки, бу ерда қурилиш ишлари 1977 йилда бошланган бўлиб, ўтган йили Хўш, бундай узилишларнинг сабаби нимада? Қурилишдаги суст кашлиқнинг сабаби бу — 2-қурилиш-монтаж бошқармаси объектларида ишчи кучининг етишмаслиги билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда бош пудратчи ташкилот топтаж бошқармаси ҳам қониқарсиз ишлаяпти. У сувни юмшатиш станциясн, янги ҳовуздаги насос станцияси қурилиши муддатини чўзиб юборди. Ишга туширладиган объектларда бу ташкилотдан 20 киши ўрнига атнги 8 киши ишламоқда. Шунингдек, бу ерда гишт ва йиғма темирбетоннинг етказиб берилиши ишдаги узилишлар ҳам жиддий ташвиш туғдиряпти.

Бугун «Тошкент оқшоми»нинг Тошкент тўқимачилик комбинатидаги назорат постида

ҚУРИЛИШГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРЯПТИ?

фойдаланишга топширилиши керак бўлсада, ҳамон қурилиш ниҳоясига етказилгани йўқ. Ип фабрикасининг бўяш цехи реконструкцияси муддати ҳам йилдан-йилга чўзиляпти. Бинобарин, бу ерда 22 ой ишлаш эди. Лекин бу муддат мана бешинчи йилга қараб қадам қўяпти. Уни қачон ишга туширилиши гумон бўлиб қолмоқда.

1978 йили 2-қурилиш-монтаж бошқармаси марказий иссиқлик пунктини қуришни бошлаган эди. Ҳамон бу объектда иш катта узилишлар билан давом этяпти.

Ердамчи-пудратчи ташкилот бўлган 2-механизациялашган кўчма колонна ишчилари ҳам иссиқлик трассаси ишларини графиқдан ортда қолган ҳолда бажаришяпти. Уларнинг ишига 28 та йиғма темир-бетон устуни ва металл конструкцияларининг етишмаслиги тўғоноқ бўлмоқда. Бу материалларни республика қурилиш министрлиги амалга ошириши керак. Ваҳоланки, халқ хўжалиги учун ишларни нормал амалга ошириш учун камида 50 киши етказиб беролмаяпти. Ваҳоланки, бош пудратчининг ишчилари бор. Бироқ улар ташқи объектларда машғул бўляптилар.

Планёрка йиғилишлари қарорларида 2-қурилиш-монтаж бошқармасига бир неча марта ишчилар сонини етарли миқдорда кўпайтириш тавсия этилган эди. Лекин бошқарма бундан ўзига етарли хулоса чиқариб олмаяпти.

Комбинат реконструкция объектларида ёрдамчи-пудратчи ташкилот — 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ҳам қониқарсиз ишлаяпти. У сувни юмшатиш станциясн, янги ҳовуздаги насос станцияси қурилиши муддатини чўзиб юборди. Ишга туширладиган объектларда бу ташкилотдан 20 киши ўрнига атнги 8 киши ишламоқда. Шунингдек, бу ерда гишт ва йиғма темирбетоннинг етказиб берилиши ишдаги узилишлар ҳам жиддий ташвиш туғдиряпти.

Ердамчи-пудратчи ташкилот бўлган 2-механизациялашган кўчма колонна ишчилари ҳам иссиқлик трассаси ишларини графиқдан ортда қолган ҳолда бажаришяпти. Уларнинг ишига 28 та йиғма темир-бетон устуни ва металл конструкцияларининг етишмаслиги тўғоноқ бўлмоқда. Бу материалларни республика қурилиш министрлиги амалга ошириши керак. Ваҳоланки, халқ хўжалиги учун тоннинг 30—35 процентининг етказиб берилаётганлиги бу фикримизни исботлаш учун ёрқин далилдир. Худди шундай узилишлар бошқа материаллар таъминотида ҳам рўй беряпти. Уларнинг ҳаммаси ишчиларнинг, техниканинг беҳуда туриб қолишига, реконструкция ишининг тўхтаб қолишига олиб келяпти.

Кейинги пайтда ёрдамчи-пудратчи ташкилот — 980-созлаш ишлари бошқармаси (УНР —980—бошлиғи Р. Хаваджи) иши ҳам кишини қаттиқ ташвишлантиряпти. Бу ташкилотга водопровод ва канализация тармоқлари иншоотини қуриш вазифаси топширилган эди. Аввалига ишни яхши бошлади. Тезда қувурларни етқизиш учун ҳандақ қазидилар, кейин эса қандайдир сабабларга кўра ишни ташлаб қўйдилар. Мана ярим ойдирки, бу ерда иш тўхтаб қолган. Ана шу қолоқликка тезда барҳам бериб, қурилиш ишларини жадаллаштириш лозим. Етин-сочин кунларига қадар водопровод ва канализация иншоотн қурилишини тугаллаш, марказий иссиқлик пунктидаги барча ишларни ниҳоясига етказиш, ип фабрикасининг бўяш цехи реконструкцияси ишини маромига етказиш лозим. Қурувчилар асосий эътиборни ишга туширладиган объектларни етарли ишчи кучи, зарур бўлган материаллар ва техника билан таъминлашга эътиборни қаратмоғлари керак. Уларнинг ҳаммасини республика қурилиш министрлиги, «Ташпромстрой» бирлашмаси маъмурияти билан биргаликда 2-қурилиш-монтаж бошқармаси амалга ошириши лозим. Ана шундагина комбинат реконструкцияси бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилиши, йилнинг ишга туширладиган объектлари фойдаланишга топширилиши мумкин бўлади.

В. АПАСОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Кооператив муваффақияти

ПРАГА. Бу йил Чехословакиядаги Шарқий Чехия областининг «Влчи—габржина» кооперативи меҳнаткашлари донли экинлардан рекорд ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар гектар ердан 35,8 центнер дон олдилар. Бу—комплекс агротехника тадбирларининг ўтказиш ва хўжалик юритишнинг илмий жиҳатдан асосланган методларидан фойдаланиш натижасидир. Бу эса кооперативга қолоқ хўжаликлар қаторидан чиқиб олиш имконини берди.

Хўжалигимиз, — деб ҳикоя қиладн кооператив раиси Индржих Шейвл, — 1978 йилда бешта кичик кооперативдан тузилди. Биз дастлабки йилларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатдан Пардубицк районидаги заиф хўжаликлардан эдик. Бу эса кўп жиҳатдан хайдаладиган ерларнинг ноқулай структураси билан боғлиқ эди.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш учун алмашлаб экишда асосий экинлардан олдин қўзоқли ўсимликлар етиштиришга катта эътибор берилди. Ҳозирги вақтда бу экинлар ҳайдаладиган ерларнинг тахминан 10 процентини эгаллаб турибди.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ХАНОЙ. Шимолий Вьетнамдаги Ваньфу вилоятининг Шонгло агросаноат чой бирлашмасининг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 60 кунлик зарбдор вахтада турди. Совет Иттифоқининг чойкорлари билан ҳамкорлик қилаётган корхона меҳнаткашлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу мажбуриятларда йиллик давлат планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш кўзда тутилади.

Шонгло бирлашмаси тармоқдаги илғор корхоналардан биридир. Шу йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида бирлашма экспорт қилаётган маҳсулот қиймати ўтган йилнинг шу даражасига нисбатан қарийб 75 процент ошиб кетди. Шонгло плантацияларида етиштирилаётган чойнинг кўп қисми Совет Иттифоқига етказиб берилмоқда.

САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

СОФИЯ. Болгариянинг Толбухин округи чорвадорлари серсут сигирлар зотини урчитиш янги технологиясини ўзлаштиришнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқдилар. Генерал—Тошево шаҳри яқинидаги Дибовик қишлоғида ёш молларнинг маҳсулдорлигини аниқлайдиган комплекс ташкил қилинди. Бу комплекс округдаги барча сутчилик фермаларига хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда соғиб олинаётган сут ҳар куни контроль қилинади. Соғиб олинаётган сут миқдори камайган тақдирда унинг сабаблари аниқланади ва бу камчиликни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилади. Айни вақтда сигирларни озиқлантиришнинг қулай рациони ишлаб чиқилади. Арачик кооперативдан тузилди. Биз дастлабки йилларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатдан пардубицк районидаги заиф хўжаликлардан эдик. Бу эса кўп жиҳатдан хайдаладиган ерларнинг ноқулай структураси билан боғлиқ эди.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш учун алмашлаб экишда асосий экинлардан олдин қўзоқли ўсимликлар етиштиришга катта эътибор берилди. Ҳозирги вақтда бу экинлар ҳайдаладиган ерларнинг тахминан 10 процентини эгаллаб турибди.

Сигирларни оқилона озиқлантириш округидаги аграр—саноат комплекслари ўртасида тақсимланганидан кейин ҳам давом эттирилади. Бунинг натижасида қимматли ем талай миқдорда тежаб қолинади, соғиб олинаётган сут миқдори кўпаяди, сут таркибидаги ёғ ошади. Масалан, уч йил муқаддам синаб кўриш комплексида ўртача соғиб олинган сут миқдори 4100 литрдан кўпроқни ташкил этган бўлса, бултур бу кўрсаткич қарийб 5200 литрга етди.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

БУХАРЕСТ. Кимпина шаҳрининг ёғочсозлик комбинатидаги янги мебель фабрикаси дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу фабрика ҳар йили 3-300 тадан кўпроқ гарнитурлар ишлаб чиқарадиган бўлади. Корхона асосан экспорт учун мўлжалланган хилма-хил мебель тайёрлаш имконини берадиган замонавий машина-ускуналар билан таъминланган.

Руминия мебели чет мамлакатлардаги буюртмачиларга ғоят манзур бўлмоқда. Бу мебель жаҳондаги ўнлаб мамлакатга экспорт қилинмоқда. Республика мебель саноати бутун маҳсулотининг тахминан 45 проценти социалистик мамлакатларга етказиб берилмоқда. Совет Иттифоқи Руминия мебелининг энг катта буюртмачиси ҳисобланади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

СОФИЯ. Совет Россияси номли Русе аграр-саноат комплексининг кооператорлари бу йил Совет Иттифоқидаги истеъмолчиларга 2,5 минг тоннадан зиёд ёки планда белгиланганидан 500 тонна кўп янги помидор, шунингдек минглаб тонна сабзавот ва мева консервалари жўнатдилар.

Деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашаётган бу илғор хўжалик мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган катта саноат базасига ҳам эга: бу ерда мева шарбати тайёрлайдиган завод ва консерва ишлаб чиқарадиган фабрика бор. Бу корхоналарни қуриш аграр-саноат комплексига 6 миллион левга тушди. Бу маблағ давлатдан беш йил муддатга қарзга олинган эди. Завод ва фабрика қуриш учун қилинган ҳаражатлар шу корхоналар ишлай бошлагандан кейин етти йил ўтгач тўла-тўкис қопланди, бу йил эса улар икки миллион левлик соф даромад келтиради.

Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш жараёнлари тўла-тўкис механизациялаштирилган бўлиб, бу эса йиғиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш ва улардан янада оқилона фойдаланиш имконини беради.

Сувда томоша кўрсатувчи цирк труппасининг артистлари — Кент Халлберг ва Курт Андерссонларнинг номи Швецияда кўпчилликка яхши таниш. Бундан бир неча йил муқаддам улар сув юзасида торпедо қайиғи тезлигида ҳаракат қилаётган чанғида ўн кишидан иборат пирамида ҳосил қилиб, дастлабки муваффақиятга эришган эдилар. Тезкор моторли қайиқда трамплиндан сакраш бу йилги мавсумнинг энг қизиқарли номери бўлди. Бу номернинг мураккаблиги шундаки, Халлберг сакраган пайтда унинг шерики қайиқда Халлберг қайиғининг тагидан сузиб ўтиши лозим. Ушбу номерни ижро этиш ниҳоятда хавфли бўлгани учун ижрочилардан катта маҳорат талаб қилади.

СУРАТДА: трамплиндан моторли қайиқда сакраш пайти. Штурвални Кент Халлберг бошқармоқда.

Прессенсбильд—ТАСС фотоси.

Саломатлик ҳақида сухбатлар

— Оқшомхонларни аввало табиат, борлиқ ва инсон кўзи ўртасида қандай боғлиқлар борлиги қизиқтиряпти. Шу хусусдаги фикрингиз қандай?

— Биз теварак атрофимизга назар ташлаб табиатнинг нақадар нозик, чиройли эканлигини кўрамиз. Табиат бойликларидан фойдаланиш, унинг латофатидан баҳраманд бўлишда кўриш аъзоси бўлган кўзнинг муҳим ўрни бор. Кишилар теварак-атрофдан келадиган 90 фоиз ахборотни кўзлари орқали қабул қиладилар. Кўзнинг нақадар муҳим аъзо эканлигини билиш учун кўзимизни бир дақиқа юмушимиз кифоядир. Шу вақтда биз атрофимиздаги ҳамма нарсадан ажралгандек, содир бўлаётган воқеалар биздан ташқаридек туюлади.

Кўзнинг инсон учун нақадар аҳамиятга эга эканлигини исботлаш учун ҳаётда учрайдиган воқеаларга мурожаат қилайлик. Кўр бўлиб туғилган болаларнинг қулоғи кар, тили соқов бўлишини кўрамиз. Бу айрим ҳолларда учраса-да, болаларнинг ташқи дунёдан маҳрум бўлганлиги натижасидир. Кўз ташқи дунёдан келадиган ахборотни қабул қилиб, уни рухий ривожланишига сабаб бўлади.

— Кўз ўткирлиги, кўриш қобилиятининг яхшилиги нималарга боғлиқ?

— Кўзнинг ўткирлиги кўзга тушаётган нурларни синдириб, ўтказиб берувчи: шохли парда, гавҳар, кўз суюқликлари, шишасимон модданинг ҳолатига, шунингдек нурларни кабул қилувчи тўр пардага боғлиқ бўлади.

Агар юқорида санаб ўтилган кўз пардаларида, ёки кўз шаклини берувчи суюқликларда биронта етишмовчилик ёки касаллик пайдо бўлса кўз хиралашади, касаллик авжига олганда кўз кўрмай қолиши ҳам мумкин.

Баъзи кишиларда кўзга келиб тушаётган ёруғлик нури тўр пардага етиб бормайди, бундай ҳолда яқинни яхши кўрилса-да, узоқ аниқ кўрилмайди. Бу медицина тили билан «Миопия» деб юритилади. Бундай кишиларга икки томони ботиқ кўзойнаклар буюрилади.

Иккинчи бир кўз тузилишига эга бўлган кишиларда кўзга тушаётган ёруғлик нурлари тўр пардадан ўтиб, парда орқасига тушади. Бу ҳолатни «гиперметропия» деб аталиб, улар узоқни яхши кўрадилар, аммо яқинни яхши кўрмайдилар. Бундай кишиларга икки томони қабариқ кўзойнаклар тавсия этилади.

Юқорида санаб ўтилган кўз ҳолатлари касаллик ҳисобланмай, кўзнинг туғма тузилишидан келиб чиқади.

— Инсон кўзини, унинг нурини ва ўткирлигини сақлаш, кўзни ожиз қилиб қўймаслик учун нималарга эътибор бериш керак?

— Совет медицинасининг асосий йўналишларидан бири касалликнинг олдини олиш, яъни профилактикасидир. Ўзбекистон офтальмологлари ҳам кўз касалликларининг олдини олиш мақсадида жуда катта ишлар олиб боришмоқда. Кўз касалликларининг олдини олиш чоралари аёлларнинг ҳомиладорлиги давридан бошланиб, улар вақти-вақти билан врачлар кўригидан ўтиб турадилар. Янги туғилган чақалоқларнинг кўзлари туғруқхонада текширилиб кўрилади.

Болаларнинг кўзлари ясли, боғча ва мактабда систематик равишда кўриқдан ўтказилади. Ўрта ва махсус ўқув юртлари, институтларга ўқишга киришдан, корхона ва муассасаларга ишга жойлашишдан аввал кишиларнинг кўзлари текширилади. Агар касаллик топилса, уларни врачлар даволайдилар, айрим ҳолларда диспансер ҳисобига олиниб, кўриқдан ўтказиб турилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон офтальмологлари Совет Иттифоқида биринчи марта кўз жароҳатларининг олдини олиш учун меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларини қўллаб, ижобий натижаларга эришдилар.

— Олим шифокорлар кўз гавҳарини махсус линзалар билан алмаштириш устида қандай ишларни олиб боришган? Бу ишлар қандай натижалар берди?

— Катаракта касаллигида кўз гавҳари хирала бошлайди. Шунинг учун кўз хиралашиши бошлаганда кўз врачларига мурожаат қилиб даволанилса, гавҳарнинг хиралашиши тўхташи, кўриш қобилияти сақлаб қолиниши мумкин. Кўп йиллик клиник кузатишлар бу фикримизни тасдиқлайди.

Кўз гавҳари операция усули билан олиб ташланганда кўриш қобилияти узоққа ҳам, яқинга ҳам ёмонлашади. Шунинг учун ҳам операциядан сўнг кўзга тушадиган ёруғлик нурларини синдириш қобилиятини кучайтириш учун олимлар томонидан пластмассадан ясалган сунъий гавҳар (линза) тайёрлаш масаласи қўйилди.

Биринчи марта 1949 йил 8 ноябрда инглиз офтальмологи Г. Ридли катарактани олиб ташлагач, гавҳар ўрнига полиметилметакрилатдан тайёрланган сунъий линза қўйди. Лекин бу усул кўз врачлари ўртасида кенг тарқалмади. Совет Иттифоқида биринчи марта СССР Медицина Фанлари академиясининг академиги М. М. Краснов 1960 йилда сунъий линза қўйди.

Сунъий линза қўйиш техникасини мукаммаллаштириш, уни офтальмологлар тажрибасига тарқатишда СССР Медицина Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор С. Н. Фёдоровнинг ҳиссаси каттадир. Бу олим туфайли кўз жарроҳлигининг энг нозик ва мураккаб усулларидан бири — сунъий линза қўйиш назаридан тажрибага ўтказилди. Профессор С. Н. Фёдоров бу усулни Совет Иттифоқи ва бутун дунёга кенг тарқатган ташаббускор олимдир.

Катарактани операция йўли билан даволаш усули пайдо бўлганига 150 йил бўлсада, бу операция ҳамон такомиллашмоқда.

— Сиз ўзингизнинг бой тажрибангизда, ожиз кўзларга нур бағишлаганингизда қандай усуллардан кўпроқ фойдаланансиз? Кўз гавҳари ўрнига линза қўйишни афзал деб биласизми?

— Катаракта касаллигида кўз гавҳари олиб ташлангач, ёруғлик нурини тўр пардага тушириш, кўриш қобилиятини яхшилаш учун уч хил усулдан фойдаланилади: 1. Кўзойнак тақиш: 2. Сунъий линза қўйиш; 3. Контактли линза қўйиш.

Биринчи усул, яъни катарактани олгандан кейин кўзойнак тақиш катарактани операция қилиш бошлангандан бери қўлланилади.

Кўпчилик беморлар кўзойнаклар билан узоқни яхши кўрсалар, яқинни кўришга бошқа кучлироқ кўзойнак тақадилар.

Айрим беморлар кўзойнакнинг оғирлигидан, тез тушиб кетиши мумкинлигидан арз қилишади. Бу ҳол кўзойнак размерининг катта ёки кичиклигидан келиб чиқади. Бундай кишиларга юз тузилишини ҳисобга олиб мос келадиган кўзойнаклар буюрилади.

Беморларнинг бир кўзи соғ бўлиб, иккинчи кўзи катарактадан операция қилинган бўлса, унда кўзойнак тақиш тавсия этилмайди. Чунки икки кўзга берилган кўзойнак қуввати ўртасида фарқ катта бўлади ва беморларнинг бош айланиши, кўнгил айниши, буюмлар кўринишини ўзгартириб, қийшайиб қолиши безовта қилади. Бундай шароитда сунъий линза ёки контакли линза буюрилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, катаракталарнинг ҳаммасида линза қўйилмайди. Ёши 55—60 ёшдан ошган беморларга ҳам линза қўйилмайди. Сабаби линза қўйилган баъзи беморларда кўз огриши, кўз томири пардасининг яллиғланиши, кўз ички босимининг ошиб кетиши (глаукома), сунъий линзанинг ўрнидан сурилиб кетиши, агар линза шохли пардага тегиб турса яллиғланиши мумкин.

Академик М. М. Краснов билдиришича, линза қўйилган операциядан кейинги даврда кўз тўр пардаси ўзгариши беш марта кўп учрайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, профессор С. Н. Фёдоров бошқаратган институт қошида сунъий линза қўйиш лабораторияси бор. Бу жойда операцияга тайёрланаётган кўзни ўлчаб, ўзига тўғри келадиган, ёруғлик нурини сўг кўзнидек синдирадиган махсус линзалар тайёрланади. Бу линзалар қўйилган кўз яхши кўради.

Катаракта бўлган кўзларда кўз гавҳарини олиб ташланиб, операциядан сўнг кўзнинг қувватига мослашган контакт линза кийгизилади. Контакт линзанинг афзаллиги: биринчидан, кўзнинг ёруғлик нурини синдириш қувватига мослаштириб ясаш имкониятини берса; иккинчидан, бир кўз соғ ҳолда, иккинчи кўз операция қилинган одамларнинг кўзига қўйилса, иккала кўзнинг баробар ишлашга ўргатади. Учинчидан, контакт линза кўзга кийилгани учун кўзга кўринмайди, ҳеч билинмайди. Шунинг учун косметик жиҳатдан чиройли; тўртинчидан керак бўлган пайтда линзани олиб қўйиш ва алмаштириш мумкин.

Агар кўзнинг ичига сунъий линза қўйилганда, юқорида айтилганидек, турли ўзгаришлар ва асоратлар пайдо бўлса, қайтадан операция қилиб олиб ташлашга тўғри келади. Бундай воқеалар бизнинг тажрибамизда учрамоқда. Линзани олиб ташлагандан кейин, кўзнинг кўриш қобилиятини контакт линза қўйиш билан қайта тиклаш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг клиника жойлашган Республика кўз касалликлари шифохонаси қошида 1977 йилнинг апрель ойидан бошлаб яхши жиҳозланган, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган контакт линза лабораторияси ишлаб турибди.

Лаборатория янги ташкил қилинган вақтида жуда камдан-кам линзани тақаолмаслик ҳоллари учраган бўлса, кейинги вақтларда қаттиқ ва юмшоқ контакт линзалари қўлланила бошлагандан кейин бу ҳоллар учрамайдиган бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки, контакт линзадан беш-олти ёшдан ошган болалар ҳам фойдаланишмоқда.

— Шаҳримизда г и баъзи медицина муассасаларида ана шу кўз гавҳари ўрнига линзалар қўйиш ишлари, Сизнинг фикрингизча қандай самаралар беряпти? Кўзни мана шу усул билан даволашнинг истиқболлари борми?

— Республикамизда биринчи бўлиб гавҳар ўрнига сунъий линза қўйиш 1979 йилдан бошлаб ҳарбий госпиталда, 1981 йилдан бошлаб Тошкент область офтальмология шифохонасида ҳам қилинмоқда. Бу усул такомиллаштирил г а н дан сўнг яхши, ижобий натижалар бериши мумкин.

— Кўз гавҳари ўрнига линза қўйилганда ёки кўз операция йўли билан даволанганда одамнинг руҳий ҳолати қандай бўлади?

— Катаракта натижасида кўр бўлиб қолган ва бошқатдан кўзи очилган одамларнинг руҳи жуда яхшиланади. Иш қобилиятига аввалгидек қайтганлар ўзларини бахтли ҳис қилишади, бундай кишилар кўпчиликни ташкил этади.

Операциягача умумий қон босими ошиқ, қанд касаллигига учраганлар орасида кўзи очилганидан кейин қон босими нормаллашган, бутунлай қанд касаллигидан тузалиб кетганлар бор.

— Ҳар бир соҳада янгиликлар пайдо бўлгани каби, кўз касалликларини даволашда яқин келгусида қандай янги услублар қўлланади?

— Сўнгги йилларда офтальмология фани жуда тараққий этмоқда. Кўз касалликларини микрохирургия усулида операция қилиш бунга қадар тузата олмаётган кўз касалликларини тузатишга, кўриш қобилияти сақланган ҳолда тузатишга олиб келмоқда. Лазер нури қўлланилиши ҳам жуда оғир кўз касалликларини даволашга имкон бермоқда. Офтальмологияда кибернетика усулларини қўллаш микрохирургия и н г кенг тарқалишига, касалларга тез ва аниқ диагноз қўйишга ҳамда даволаш усулларининг яхшиланишига олиб келмоқда.

Республика офтальмологи телетайп орқали областлар кўз шифохоналарини кибернетика институти билан боғлаб, уларнинг ишида даволаш ва профилактикани яхшилашга муваффақ бўлмоқдалар.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни
Т. РАСУЛЕВ
олиб борди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор, «Тошкент оқшоми» газета редакциясининг жамоатчилик асосидаги «Ижодкор ва ҳаёт» совети аъзоси
Маҳамаджон ҚОМИЛОВ
оқшомхонларнинг саволларига жавоб қайтаради:

ИНСОН КЎЗИДА ОЛАМ НУРАФШОН

Газетамизнинг шу йил 20 август сонида журналист А. Муҳаммадқуловнинг «Танамиз гавҳари» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда кўз хасталиклари, кўз гавҳари ўрнига қўйиладиган линзалар ҳақида фикр юритилган. Азиз оқшомхонлар кўзнинг турли касалликлари, кўз гавҳари ўрнига қўйиладиган линзалар, контакт линзалар ва бошқа масалалар ҳақида қизиқиш билан редакциямизга кўплаб хатлар ёзишган. Бугун газетхонларимизнинг ана шу мактубларига жавоб қайтарамиз.

Сунъий линза — линза покиза қўл билан кўзга оҳиста киргизилади.

Ўзаро ҳамкорлик самараси

Фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлиги тўқимачиларга катта иқтисодий самара бермоқда. Илмий ходимлар ва ишчилар корхонада ишлаб чиққан ва тадбиқ этган қизиқарли техника янгиликлари технологик жараёнларни такомиллаштириш, анчагина материалларни тежаш имконини бермоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти электроника кафедраси мудири С. Усмонов, доцент М. Миртолипов ва 5-курс студенти Р. Қодиров, тўқимачилик комбинатининг вакиллари — марказий илмий-тадқиқот лабораторияси бошлиғининг ўринбосари Л. Золотаревский ва 2-йигирув-тўқув фабрикаси бош инженери Л. Сайдукова билан ҳамкорликда ишлаб чиққан таклиф анчагина самарали бўлиб чиқди. Бу ижодий бригада иккинчи фабрикининг участкасида ўраш машиналарида маҳсулот ҳажмини ўлчайдиган импульсли счётчикни конструкциялаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг уддасидан чиқди. Илгари бу ерда оддий механик счётчиклар ишлатилар эди. Улар кўпинча ҳисобда адашар эди. Янги қурилма ғоятда ишончли: ярим йилдан буён бенуқсон ишламоқда.

Янгиликни жорий этишдан кўриладиган иқтисодий самара йилига 22 минг сўмгача етиши кутилмоқда.

ҒАЛАТИ ЮБИЛЕЙ

Косонсой табиати муҳлислари ўзига хос юбилейни нишонладилар. Баландлиги 35 метр келадиган кекса чинорнинг тарвақайлаб кетган шохлари соясида юздан ортиқ киши бу ердаги улкан дарахтнинг беш юз йиллигини нишонлаш учун тўпландилар.

Кўп асрлик чинорнинг қудратли шохлари остида жойлашган шинам чойхона косонсойликларнинг севиб дам оладиган жойига айланди. Бу ерда бир пиёла хушбўй чой устида оқсоқолларнинг жонажон ўлка ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини тингласак мумкин. «Яшил клуб»да уруш ва меҳнат ветеранларининг ёш ишчи ва деҳқонлар билан тез-тез учрашувлари бўлиб туради.

Ҳозир областнинг шаҳар ва қишлоқларида 110 та турли навли кўп йиллик дарахт бор. Шотут дарахти инсонларга уч юз йилдан ортиқ вақтдан бери хизмат қилиб келмоқда. Унинг қудратли шохшаббаларининг сояси Поп районидаги аҳолисини ҳушнуд қилмоқда. Ана шу шотут баландлиги ўн беш метрга боради. Аслини олганда, бу турдаги дарахтлар камдан-кам бу қадар баланд бўлади. Чуст районидаги қайрағоч уч юз йилдан ортиқ яшнамоқда. Наманганнинг ўзида эса ўнлаб кўп асрлик чинор дарахтлар шаҳарнинг янги архитектура ансамблига ҳусн бағишламоқда.

Кўп асрлик дарахтлар зўр диққат-эътибор билан парваришланмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг аъзолари уларни муҳофаза қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Навқирон қалб

Шундай одамлар БОР БЎЛСИН

Баъзи одамлар ҳақида гапирганда, чеҳрасидан нур ёғилади, дейишади. Саида Галиевна Муҳамедовага бу сўзлар жуда мос келади. Унинг нуроний, табассумли чеҳрасидан қутлуғ етмиш ёшини қарши олаётганига ишонгиси келмайди кишининг. У ўз ҳаётини севимли ишисиз тасаввур қила олмайдиган, чинакам ижодкор одамларга хос бўлган ғайрат-шижоатга тўла. Унинг қалби навқиронлиги, ғайрат-шижоати ҳам ҳаво ёки нон сингари зарур бўлган мураккаб, шу билан бирга қувончли қундалик меҳнатдан бўлса, ажаб эмас.

Саида Галиевнанинг ижоди фақатгина унинг ўзи учунгина қувонч манбаи эмас. Энг аввало, бу мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги минг-минглаб ўқувчилар учун ҳам катта қувончдир. Чунки Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Г. Муҳамедова ўзбек муаллифларининг асарларини рус тилига таржима қилишда фаол иштирок этиб келади. У рус тилидан ўзбек тилига ҳам равон таржима қила олади. Тўғрисини айтганда, «равон» деган сўзни бу ўринда фақат нисбий маънодагина қўллаш мумкин. Чунки қар бир таржима ортида қатта ва мураккаб меҳнат бор. С. Г. Муҳамедованинг иш столида ўнлаб катта-кичик луғатларни кўриш мумкин. Улар фақат филологик луғатлар эмас. Чунки Саида Галиевна таржимага юзаки муносабатда бўлишни ёқтирмайди, асар воқеалари рўй берадиган муҳитни ҳис этишни, ўша даврни ўрганишни, ишлаб чиқариш терминологиясини батафсил тушуниб етишни ўзи учун муҳим деб ҳисоблайди.

У Георгий Марков ва Ольга Маркова, Сергей Боруздин, Юрий Карасёв каби сўз усталари билан яқин ҳамкорликда бўлиб, таржимачилик ишига катта ҳисса қўшмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги ўқувчилар совет халқлари учун умумий бўлган буюк рус тили орқали ўзбек муаллифларининг энг яхши асарлари билан танишар эканлар, бу китобларнинг таржимонлари номини эҳтиром ва миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бу эҳтиром Саида Галиевна Муҳамедовага ҳам бевосита алоқадордир.

С. Г. Муҳамедованинг меҳнатини асарларнинг муаллифлари, бизнинг таниқли ёзувчиларимиз ҳам юксак қадрлайдилар.

«Ҳурматли Саида Галиевнага самимий миннатдорчилик билан, муаллифдан.

Ш. Рашидов».

«Қадрли Саида Галиевна!

Бажарган улкан ижодий ишингиз учун муаллифнинг катта, самимий миннатдорчилигини қабул қилинг.

Р. Файзий».

Муаллифлар томонидан китобларга ёзилган бундай илиқ сўзларни кўплаб келтириш мумкин. С. Г. Муҳамедова Ғафур Ғулом, Ойбек, Сарвар Азимов, Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Саъдулла Кароматов, Адҳам Раҳмат ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишда ҳам фаол иштирок этган. У йигирмадан ортиқ повесть ва романларни, 50 дан ортиқ ҳикоя ва мақолаларни таржима қилишда қатнашган.

Биз ҳамиша ветеранларимиз, уруш даври кишилари ҳақида нифтихор ва ҳурмат билан гапирамиз. Бунда уларнинг синовларда чиниққан характери, жасорати ва қатъияти, чексиз самимиятини назарда тутамиз.

Саида Галиевнани ҳам тўла асос билан уруш даври кишиси деб аташимиз мумкин. Йўқ, у жангда бўлган эмас. Аммо у бошқа муҳим фронт — идеология жабҳасининг олдинги марраларида бўлган. Бу марра миллион-миллион кишиларнинг ҳаёли ва қалбидан ўтарди. Ғалабага, совет халқлари дўстлигининг енгилмас қудратига қатъий ишонч фақатгина фронтда жанг қилаётганлар учун эмас, фронт ортида Ғалабага ҳисса қўшаётган кишилар учун ҳам зарур эди.

Саида Галиевна ўша пайтда Самарқанддаги «Ленин йўли» газетасида ишларди. Ишлардигина эмас, Ғалаба учун бетиним қураш олиб борарди. Унинг зиммасига катта масъулият — Совинформбюро ахборотларини ва бошқа муҳим материалларни ўзбек тилига таржима қилиш вазифаси юкланган эди. Совинформбюро хабарларининг бирортасини ҳам қолдирмаслик, улар газета ўқувчиларига тезда етиб бориши учун у худди соқчи каби редакция приёмниги ёнида кечасию кундузи навбатчилик қиларди. Одамлар бу хабарларни ҳаётдаги энг муҳим нарса сифатида қутишарди. «Ленин йўли» газетасининг ўқувчилари атиги бир неча соат илгари радио орқали берилган хабарларни эрталаб ўқиш имкониятига эга бўлардилар. Бунда редакция коллективининг, шахсан Саида Галиевнанинг катта хизмати бор эди.

Кейинчалик у журналистлик фаолиятини тинчлик шароитида ҳам давом эттирди. Аста-секин бадиий асарларни таржима қилишда ҳам ўзини синаб кўрди. Бу соҳадаги дастлабки иши — Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи таржимаси эди.

Мана, қирқ йилдирки, С. Г. Муҳамедова бутун таланти, чуқур билими, ғайрат-шижоати билан муҳим ва олижаноб таржимачилик ишига — Советлар мамлакати, қардош миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитишидек муқаддас ишига хизмат қилиб келмоқда.

Саида опага янги ижодий ютуқлар, узоқ умр, худди ҳозиргидек навқирон қалб ва ғайрат-шижоат тилаймиз.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
Ю. КАЗАЧЕНКО.

СУРАТДА: С. Г. Муҳамедова.
М. Нуриддинов фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. РИЗАҚУЛОВ: Айтингчи, ишчи ёки хизматчи ўзининг йиллик отпускасини келгуси йилга кўчириши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари тўғрисидаги Кодексининг 79-ва 84-моддаларига мувофиқ барча ишчи ва хизматчиларга йиллик отпускалар маъмуриятнинг касаба союзлари, фабрика-завод маҳаллий комитети билан келишувига кўра белгиланган навбати бўйича, ходимнинг ҳохиши ва корхона (муассаса, ташкилот)нинг нормал ишини таъминлаш манфаатлари ҳисобга олиниб берилади.

Маъмурият томонидан йиллик отпускани ходим илтимосига мувофиқ келгуси йилга кўчириш қонун йўли билан тақиқланган.

* * *

А. САИДОВ: Маълумки, прокуратура-тергов ходимлари турли даражалар билан юритиладилар. Ана шу даражаларни кимлар беради?

Жавоб: Мартаба даражалари СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 сентябрь Фармони билан СССРда прокуратура-тергов ходимлари учун жорий этилган. (1955 йил 13 июлда ўзгаришлар киритилган). Булар 11 классга бўлинади: кичик юрист, 1-, 2- ва 3-класс юристи, юстициянинг кичик маслаҳатчиси, юстиция маслаҳатчиси, юстициянинг катта маслаҳатчиси, 1-, 2- ва 3-класс давлат маслаҳатчиси, юстициянинг ҳақиқий давлат маслаҳатчиси. Даражалар эгаллаган лавозими, маълумоти ва меҳнат стажига қараб умрбод берилади. Юстициянинг ҳақиқий давлат маслаҳатчиси даражаси (юқори класс мартаба даражаси) СССР Олий Совети Президиуми томонидан берилади; юстициянинг 1-, 2-ва 3-класс давлат маслаҳатчиси даражаларини — СССР Бош прокурори тавсияси билан СССР Олий Совети Президиуми; бошқа даражаларни — бевосита СССР Бош прокурори беради. Ходимлар ахлоқсиз ҳаракатлари учун прокуратура органларидан бўшатилган ҳолларда мартаба даражаларидан маҳрум қилиниши мумкин. СССР Бош прокурори ходимнинг муайян мартаба даражада бўлиш муддати тугамасдан туриб ишда ўзини кўрсатганлиги ва алоҳида хизматлари учун навбатдаги даражани бериш ҳуқуқига эгадир. Мартаба даражалари бўлмаган ходим муайян лавозимга тайинланган маошдан 15—20 процент кам маош олади.

* * *

Н. МУСАЕВА: Менга гражданлик ҳолати актлари ёзувларини тиклаш ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Гражданлик ҳолати актлари ёзувлари, илгари ўша ёзувларнинг бор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганида гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлими томонидан тикланади.

Йўқолган ёзувларни тиклаш мумкин бўлмаган ҳолларда эса, гражданлик ҳолати актларининг қайд қилинганлик факти суд тартибида белгиланади.

* * *

Б. ЭГАМОВ: Иш вақтида жароҳатланиб, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи ва хизматчиларга қандай ҳажмда нафақа тўланади?

Жавоб: Иш вақтида жароҳатланган ёки касб касаллигига учраган ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган вақти учун касаллик варақаси берилиб, уларга иш стажи, касаба союз аъзоси ёки аъзоси эмаслигидан қатъий назар иш ҳақининг 100 процента ҳажмида нафақа тўланади!

(Газетанинг навбатдаги сони 24 сентябрда чиқади).

• САЁҲАТ-РОҲАТ

Янги маршрут билан

Ўзбекистонда янги маршрут очилди. У гўё турли даврлар бир-бирига кўшилган майдондан бошланади: кўҳна Кўкалдош мадрасаси ёнида кўп қаватли «Москва» меҳмонхонаси қад кўтарди. Ундаги мингта ўриннинг кўпчилиги қишлоқ меҳнаткашларига берилди. Уларнинг сафар графиги мамлакатнинг турли регионларида ҳосил ўрим-йиғими туғашини ҳисобга олиб тузилган.

Урал ва Сибирь деҳқонлари янги маршрут бўйлаб саёҳат қилиб бўлишди. Улар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўриб бўлишгач, тоғли Чимёнда дам олишди, сўнгра Бухорода унинг меъморий ансамблари билан, кандакорлар, кулоллар, зардўзларнинг маҳоратлари билан танишдилар.

Сайёҳлар сафар охирида қўриқхона-шаҳар —Хиванинг Ичанқалъасида бўлдилар, Хоразмдаги илғор колхозлардан бирининг пахтакорлари, боғбонлари ва чорвадорлари билан учрашдилар.

Т. ГОЛУБКИНА,
Е. ЕФИМОВ,
ТАСС мухбирлари.

• *«Пахтакор»нинг рақиблари*

«Динамо» (Москва)

СССР 45 чемпионати

БУГУН

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги турида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ўз майдонида Москванинг Динамо» коллективини қабул қилади.

Ушбу коллектив 1923 йилда ташкил этилган. Олий лига командаларининг баҳсида 1936 йилнинг баҳоридан бери муқим иштирок этиб келади. «Динамо» футболчилари ўн бир марта мамлакат чемпиони бўлишган, ўн марта биринчиликнинг кумуш медалларини, тўрт марта бронза медалларини қўлга киритишган.

Коллектив беш марта биллур соврин — СССР Кубогининг эгаси бўлган.

Команданинг йирик ҳисобдаги энг катта ғалабалари қуйидагилар: улар 1945 йилги мамлакат биринчилигида Москванинг «Крилья Советов» футболчилари устидан, кубок учрашувларида 1949 йили Москванинг «Металлург» футболчилари устидан 10:0 ҳисобида ғалаба қозонишган.

Команда йирик ҳисобда мағлубиятга учраган пайтлар ҳам бўлган. Динамочилар 1956 йилги мамлакат биринчилигида Москванинг «Локомотив» командасига 1:7 ҳисобида, 1971 йили Кубок учун баҳсларда Бокунинг «Нефтчи» командасига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйишган.

Москванинг «Динамо» командаси совет командалари ўртасида биринчи бўлиб 1972 йили Кубок эгаларининг кубоги учун Европа турнири финалида иштирок этган. 1977 йилги мавсумда динамочилар «Комсомольская правда» газета редакцияси таъсис этган Суперкубокни биринчи бўлиб қўлга киритдилар.

Клуб шарафини мамлакат биринчиликларида энг кўп ҳимоя қилган ўйинчи В. Яшиндир. У ана шу клуб учун 326 учрашув ўтказган. Команданинг мамлакат биринчиликларидаги энг мерган ҳужумчиси С. Соловьёв ҳисобланади. У жами рақиблар дарвозасига 126 тўп киритган. Команданинг бир мавсумда энг кўп тўп киритган ҳужумчиси ҳам С. Соловьёв. У 1948 йилги мавсумда 25 тўп киритган.

Москва динамочилари ҳозир турнир жадвалининг ўнинчи поғонасини эгаллаб туришибди. Ўтказилган учрашувларда команда 10 марта ғалаба қозонган, 5 учрашувни дуранг ўйнаган, ўн бир учрашувда мағлубиятга учраган. Тўплар нисбати — 33:34. 25 очко тўплаган «Динамо» пахтакорчилардан бир очко ортда бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги учрашувнинг ниҳоятда қизиқарли ўтиши кутиляпти.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. Оқшоми

22 СЕНТЯБРЬ, 1982 й.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

КОМЕДИЯ ЦИРКИ

Италияда ўтказилган жаҳон масҳарабозлар конкурси лауреати ва Болгарияда ўтказилган Европа масҳарабозлар конкурсининг лауреати, РСФСР халқ артисти

АНДРЕЙ НИКОЛАЕВ РАҲБАРЛИГИДА

МОСКВА ЦИРКИ МАСҲАРАБОЗЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ВИТЯЗЬ—733» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ



Ишлатиш параметрлари юксаклиги, алоҳида замонавий услуб да безалганлиги туфайли

«ВИТЯЗЬ — 733» МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Электрон мослама программаларга осон олиш имконини беради: клавишга қўл теккизишингиз билан экранда керакли кўрсатув намоён бўлади.

«ВИТЯЗЬ—733»да автоматик регулировка ўрнатилган бўлиб, унга овозларни ёзиб олиш учун магнитофон, бошга кийиладиган телефон, видеомагнитофонни улаш мумкин.

Баҳоси — 720 сўм.

«ОРФЕЙ—101 —СТЕРЕО»

«1-КЛАССЛИ «ОРФЕЙ—101—СТЕРЕО» ЭЛЕКТРОПРОИГРИВАТЕЛИ МУЗИКАЛИ ПРОГРАММАЛАРНИ ТАБИИЙ ОВОЗИ БИЛАН АНИҚ ЭШИТТИРАДИ.

Электропроигрователда замонавий мосламалар қўлланган: дискнинг айланиш частотасини мослаш, электронли бошқариладиган микролифт, фотоэлектронли автостопни созлаш учун стробоскопик мослама ўрнатилган. «ОРФЕЙ»нинг конструкцияси овозни юксак сифат билан эшиттириш ва ишончли ишлаш кафолотини беради.

Баҳоси —308 сўм.

«САТУРН—201» МАГНИТОФОНИ

БАРЧА ТЎРТТА ЙЎЛКАСИДА ОВОЗЛАРНИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЁЗИБ ОЛАДИ.

«САТУРН — 201» аввалги моделларидан овозни эшиттириш кучайтирилганлиги, частоталар диапозонининг кенглиги ва овозни бузиш коэффициентининг пастлиги билан ажралиб туради. Ана шу моделда биринчи марта магнитофонга кўчма акустик системани улаш имконияти яратилган.

«САТУРН — 201» ИШЛАТИШДА ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ.

Баҳоси —210 сўм.

«ЛАЗУРЬ —714» ЭКРАНИДА —

БУЕҚЛАРНИНГ ЎЧМАС ЖОЗИБАСИ НАМОЁН!

Бу телевизорнинг автоматик регулировкаси ва созламаси тасвирнинг равшан ва ҳамоҳанг эканлигини кафолатлайди. Модернизация қилинган блоклар аппаратнинг ишлаш ишончини оширган.

Агарда хоҳиш туғилган пайтда кўрсатувнинг овозини ёзиб олиш учун телевизорга магнитофонни ёки видеомагнитофонни улаш мумкин.

«ЛАЗУРЬ—714» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ВА ЭСТЕТИК ТАЛАБЛАРГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИ.

Баҳоси — 680 сўм.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Рўйхатларда йўқ**, 23/IX да **Ҳар тўнисда бир айб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IX да **Ёшлинда берган иўнгил**, 23/I да **Заҳар нчган даъвогар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ТЕАТРИДА — 22/IXда **Гуноҳкор авлиё**, 23/I да **Зада бўлган пайғамбар.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/IX да **Комедия цирки. РСФСР халқ артисти Андрей Николаев раҳбарлигидаги Москва цирки масҳарабозларининг томошалари.**

КИНО

22 СЕНТЯБРДА

Ҳужжатли фильмлар:

«СОВЕТ СПОРТИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ» — **Кўнча.**

«ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ИЎҚ» — **Ғ. Ғулом номли.**

«НАШТАР №99» — **С. Раҳимов номли.**

«БУ ЕНҒИН ОҚИБАТИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ЗВЕЗДОЧКА №32» — **Искра.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХСИЙ ҲАЕТ» — **Фестиваль** (21.45 да, телефон 32-78-01), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон 91-10-51), **Москва** (16, 18.45, телефон 39-11-76).

«ШАХСИЙ ҲАЕТ» — **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61), **С. Раҳимов номли** (18, 19.30, телефон 48-45-71).

«ПОЕЗД ТЎХТАДИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

23 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОВЕТ СПОРТИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ» — **Кўнча.**

«МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ» — **Пионер.**

«ОЛОВНИ БЎЙСУНДИРУВЧИЛАР», «ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ИЎҚ» — **Ғ. Ғулом номли.**

«ОНИМ ҚАНИ?» — **Ғунча.**

«НАШТАР» № 99» — **С. Раҳимов номли.**

«БУ — ЕНҒИНГА ОЛИБ КЕЛАДИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ЗВЕЗДОЧКА № 32» — **Искра.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХСИЙ ҲАЕТ» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02), **Искра** (16, 18.45, телефон 39-11-76), **С. Раҳимов номли** (18, 19.30).

«БЎЙСУНМАС» — **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ПОЕЗД ТЎХТАДИ» — **Узбекистон 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — **Чайка** (телефон 77-35-43).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

22 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР биринчилиги учун

ОЛИЙ ЛИГАНИНГ

«ПАХТАКОР» (Тошкент)—«ДИНАМО» (Москва) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ТЕМИРИЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

бичиш ва тикиш, қўйлакларни қўлда бадиий безаш, қўлда бадиий тўқиш, машинада тўқиш, машинада гул солиш мактабларига

ҚЎШИМЧА КОНКУРСЛИ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар якка тартибда кийим тикиш ва қўйлакларга бадиий безак бериш санъатини эгаллашда ёрдам беради.

БАДИИЙ ТЎҚИШ ИШҚИБОЗЛАРИ ФАҚАТ ҚЎЛДА ТЎҚИШНИГИНА ЭМАС, БАЛКИ «НЕВА» ВА «СЕВЕРЯНКА» ТЎҚУВ МАШИНАЛАРИДА ИШЛАШНИ ҲАМ ЎРГАНИБ ЧИҚАДИЛАР.

Хоҳловчилар темирйўлчилар маданият саройи бухгалтериясига учрашишлари мумкин. Телефонлар: 32-40-84, 32-43-13.

Темирйўлчилар маданият саройига 1, 2, 5, 9, 8, 24-трамвайлар, 1, 5, 8, 17-троллейбуслар, 2, 3, 16, 25, 60, 80-автобусларда бориш мумкин. («Темирйўлчилар маданият саройи» ёки «Пролетар кўчаси» бекатлари).

ГРАЖДАНЛАР!

— Ҳовлилардаги водопроводларнинг ҳамиша соз бўлишини кузатиб боринг. Ичимлик сувининг ортиқча сарф бўлишига йўл қўйманг.

— Квартиралардаги санитария приборлари ва қопқа арматуралари ҳамиша соз ҳолда бўлиши лозим. Ичимлик сувининг беҳуда оқишига йўл қўйманг.

— Кундуз куни полиз экинларини, яшил ниҳолларни водопровод суви билан суғориш қатъиян ман этилади. Суғориш учун ариқ сувидан фойдаланинг.



ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН! СУВ — БУ ҲАЕТ!

СУВ БИЛАН ҲАЕТ АЖРАЛМАСДИР.

Ичимлик сувни тежаб сарфлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, унинг беҳуда сарф бўлишига йўл қўйманг.

Ҳовлилардаги бузуқ водопроводлардан, санитария приборлари ва қопқа арматураларидан беҳуда оққан сув, полиз экинлари ва яшил ниҳолларни суғориш шаҳарни сув билан таъминлашга салбий таъсир этади, аҳолига, айниқса, кўпқаватли уйларнинг юқори қаватларида истиқомат қиладиган оилаларга ноқулай шароитлар вужудга келтиради.

Водопровод тармоқларидаги авариялар ҳақида, сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳақида қуйидаги телефонлар орқали марказий диспетчерликка қўнғироқ қилинг: 33-15-95, 33-75-95.

ИЧИМЛИК СУВНИ ТЕЖАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь универсал (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь-механик-йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи.**

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 1 ва 3 йил.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртининг 3 йиллик курсини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва 2 хил мутахассислик бўйича диплом берилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

10-синф ҳажмидаги билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқиш муддати— 6 ой ва 1 йил.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 проценти берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт) 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописканд ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописканд ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидов кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи»бекати). Телефон 35-08-02.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЁТЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЁР, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРАДИГАН СТАНОКЛАР БЎЙИЧА ТОКАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, УНИВЕРСАЛ-ФРЕЗЕРЧИ, СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИ, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ ОПЕРАТОРИ, ДУРАДГОР-МОДЕЛЧИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ОТК КОНТРОЛЁРИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртида группалар ўқувчиларнинг спортга қизиқишига қараб комплектланади. Билим юртига биринчи навбатда разрядли спортчилар кабул қилинади.

Ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва кийим-бош билан, келажаги порлоқ спортчилар кучайтирилган овқат билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати: ўрта маълумотлилар учун бир йил, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун эса уч йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 33 проценти, ўрта маълумотли ўқувчиларга эса ҳар ойда қўшимча 35 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртида тайёрлов курслари мавжуд.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини муваффақиятли тугатганлар (битирувчиларнинг 10 проценти) политехника билим юртида, физкультура институтида, авиация техникумида, индустриал техникумда ўқишни давом эттиришлари мумкин. Шунингдек, уларга учувчилик билим юрти ва граждан авиациясининг институтларига кириб ўқишлари учун йўлланмалар берилади. «Автодело» бўйича группалар ташкил этилади. Билим юрти замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган ўқув комбинатга эга. Картингчилар группаси мавжуд. Шунингдек, билим юртида бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик, авиамоделчилар, фотокиноҳаваскорлар, радио ва телевидение тўгараклари ишлайди.

Билим юрти катта спорт комплексига эга. Комплекс стадион ва спорт залидан иборат. Комплексда курашнинг ҳамма тури, спорт ўйинлари: баскетбол, волейбол, футбол ва ўқ отиш бўйича секция ишлаб турибди

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт) маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 4х5 см. ёки 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82-«а» уй (8, 48, 80-автобусларнинг сўнгги бекати).

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1982 — 83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Ўчириш аппаратларини йиғувчи-слесарь, йиғувчи слесарь, асбобсоз-слесарь, механик йиғувчи-слесарь, слесарь-электр монтажчи, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи.**

Ўқиш муддати — бир йил ва уч йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касбига мувофиқ равишда диплом берилади. Ўқувчиларга ўқиш даврида 65 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битиргач, уларга ўрта маълумот ва эгаллаган касбига мувофиқ диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ва ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг маълум қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври мехнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар учун бирлашма ҳузурида политехника институти самолётсозлар факультети ва авиация техникумининг кечки бўлимлари мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга: авиамоделизм, фотокино студияси, бадиий сўз тўгараклари; вокаль-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида согломлаштириш лагери бунёд этилган.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг ишлаётган еридан справкалар, 8 та фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 48-автобусларнинг «Валихонов кўчаси бекати). Телефон 96-58-20.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

22 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.20 «Жаҳон халқларининг ижоди». Сербия фольклори. 18.45 Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 20.00 «Очилган қўриқ». Кўп серияли бадиий фильм. М. Шолоховнинг шу номли асари асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Рус музейи». 1-фильм. 22.30 «Дунё воқеалари». 22.45 Омск телевидениесининг программаси.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Инсон ва қонун». Спорт программаси: 19.20 Бадиий гимнастика бўйича СССР кубоги ва чемпионати. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Қайрат» — «Спартак». Олмаотадан олиб кўрсатилади. 20.45 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.00 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Таллиндан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Роза хола ҳаммасини жой-жойига қўяди». Телевизион бадиий фильм премьераси (ВХР). 23.00 «Спорт ҳафталиги».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳамма гап қалпоқда». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Эврика». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 20.45 «Ахборот». 21.05 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Республиканинг шолизорларида» 22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Ном таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия. 23.45 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Тентаклар». Телевизион бадиий фильм (рус). 19.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР Конституцияси — ҳаётимизнинг асосий қонуни. 19.50 «Нафосат билан учрашув». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Китоб дўстлари» (рус). 20.50 «Кошкар». Телевизион фильм. 21.00 Ўқитувчи экрани. Чет тиллар бўйича 4-синф дарсликларининг структураси ва мазмуни (рус.). 21.30 МТ II.

23 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 Халқ оҳанглари. 17.45 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи. 18.15 А. Вампилов. «Деразаси далага қараган уй». Телевизион спектакль. 18.45 Рус композиторларининг романслари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Иркутск область ёғоч тайёрловчилари ва ўрмончи химикларининг иш тажрибаси ҳақида. 19.55 «Очилган қўриқ». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 22.30 «Дунё воқеалари». 22.45 «Нима? Каерда? Қачон?». 23.55 Совет композиторларининг лирик қўшиқлари. Телевизион викторина.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Капитанлар». Бадиий фильм. 19.50 М. Глинка. Катта секстет. 20.15 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Брянск машинасозлик заводи. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Кельбажар қариялари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Трактор». 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Булоқ бошидаги воқеа», «Алдаркўса». Болалар учун мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Мангу қаровдор». Телевизион фильм. 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Тешабоева ва Р. Қурбонов ижросида халқ қўшиқлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 Телевидение экранида биринчи марта «Ном таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси коллективи бўлим мудири Б. Ф. Яхинага отаси

Фарид Асхатович ЯХИНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи институт катта илмий ходими Л. А. Шамсувалиевага онаси

Миннкабону Фаттоҳовна ШАМСУВАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент— ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; аъзолар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

22 СЕНТЯБРЬ, 1982 й. Р—02198. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.